

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМУМИЙ БИОЛОГИЯ *кафедраси*

**Сайфуллаева Гулшоданинг
5420100-биология таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун”
мавзусидаги Ёўза биометрик кўрсаткичларининг ирсийланиш даражасини
аниқлашда ХИ квадрат усулидан фойдаланиш
битирув малакавий иши**

Раҳбар: Умумий биология кафедраси
доценти, Т. Кулиев

ГУЛИСТОН -2015

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....	2- 8
2.Адабиётлар таҳлили.....	9-15
3.Тажриба объекти ва методлари.....	16-17
4. АСОСИЙ ҚИСМ	
4.Олинган натижалар	
4.1. Ғўзанинг С 6524 нави ва унинг асосий кўрсаткичлари	18-26
4.2. Ғўзанинг Линия 3 линияси ва унинг асосий кўрсаткичлари	27-32
4.3. Ғўзанинг Линия 1 линияси ва унинг асосий кўрсаткичлари	33-44
4.4. Ғўза нави ва линиялари асосий белгилари ўртасидаги экологик корреляция	45-51
5. Хулоса.....	52.
6. Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	53-55.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаларидан бўлиш пахтачиликни ривожлантириш ўз навбатида иккита омилга боғлиқ. Биринчи омил навларни етиштириш агротехникасини тўғри ишлаб чиқиш, иккинчи серхосил ва сифатли маҳсулот берувчи пахта навларини яратиш ва жорий этишдир.

Шунинг учун селекция йўли билан янги навларни яратиш ва ҳосилмиқдори ва уни сифатини яхшилашга катта аҳамият берилмоқда. Селекция ишларининг самарали яқунланиши генотип белгиларининг ирсийланиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки белгиларнинг ирсийланиш даражаларини билиш селекцион жараёнида мақсадли яқунланиши, бошланғич материалларни тўғри танлаш учун имкониятлар яратилади. Шунинг қайд этиш керакки, ғўза навлари ва айрим белгиларининг ирсийланиш даражалари ва уларнинг генотипга боғлиқлиги бизнинг шароитимизда тўлиқ ўрганилмаган. Шунинг қайд этиш керакки, селекцион жараёнда мақсадли тонлов ишларининг олиб борилишида ўзига хос муаммолар ёки бўлмаса қийинчиликлар мавжуд. Ушбу муаммолар биринчи навбатда ўсимлик белги ёки кўрсаткичларининг кучли ўзгарувчан бўлиши. Агар ўсимлик белгиси кучли ўзгарувчан бўлса унинг ташқи муҳитга боғлиқ даражаси шунча юқори бўлади. Бундай ҳолатда тонлов ишларини олиб бориш яхши самара бермайди.

Маълумки, кам ирсийланиш даражасига эга бўлган масалан ирсийланиш коэффициенти 0,2-0,3 ни ташкил этади(Симонгулян, 1987). Шунинг учун ҳосилдорлик бўйича бошланғич материалларни танлаш ҳар доим ҳам яхши самара бермаслиги мумкин. Одатда ирсийланиш даражаси паст бўлган белгилар ташқи омиллар таъсирига берувчан бўлади.

Кейинги йилларда организм белгиларининг ирсийланиш даражаларини аниқлашда замонвий статистика усуллари кенг қўлланилмоқда.Шундай усуллардан бири Хи квадрат усули мисол бўлади. Ушбу усул ёрдамида ўсимлик миқдорий белгиларининг ирсийланиши ва унинг ирсият қонунларига мос келиш ёки келмаслигини аниқлаб беради. Ушбу тадқиқотлар кўплаб қишлоқ хўжалик экинларида масалан кунгабоқар, зиғир ва шоли каби ўсимликларда олиб борилган. Бизнинг шароитда ғўза навларида ушбу тадқиқотлар тўлиқ ўтказилмаган.

Шу сабабдан мазкур битирув малакавий иш ғўза белгиларининг ирсийланишини хи квадрат ёрдамида таҳлил қилиш ишларига бағишланган.

Шунинг қайд этиш ўринлики, ғўза селекцияси учун бошланғич манбаларни танлашда ҳар бир белгилар бўйича аниқ критериялар йўқлиги селекциянинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу масаланинг ижобий ечимларидан бири белгилар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш жумладан уларнинг ўзгарувчанлик, корреляцион боғланишлар тузилиши ҳамда даражаси ҳамда ирсийланишини ўрганиш тавсия этилмоқда(Ростова, 2002).

Юқорида қайд этилган маълумотларга асосланиб ғўза белгиларининг ирсийланиш даражасини статистика усулларида фойдаланилган ҳолда амалга оширишга жазм қилдик. Чунки ушбу маълумотлар вилоятимиз шароитида ғўза селекциясини ривожлантиришда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Битирув малакавий ишнинг мавзуси ғўза белгиларининг ирсийланиши ва уларнинг вариацион қатор бўйича тақсимланиши каби ишларни бажаришга бағишланганлиги ва ушбу кўрсаткич селекция ишлари учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиб мавзунинг долзарблигига ишонч ҳосил қилиш мумкин .

Битирув малакавий ишнинг мақсади: *Битирув малакавий ишни бажаришдан асосий мақсад ғўза миқдорий белгиларнинг вариацияланиши ва уларнинг тақсимланиши қонуниятларига мос келиш ёки келмаслигини аниқлашдан иборат.*

Қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилган:

1. *Ѓўза кўсак оғирлигининг назарий ва амалий тақсимланиш даражаларини Хи квадрат усулида аниқлаш;*
2. *Кўсак таркибидаги чигит миқдорининг назарий ва амалий тақсимланиш даражаларини Хи квадрат усулида аниқлаш*
3. *Тола узунлиги ва тола индекси бўйича миқдорий кўрсаткичларининг назарий ва амалий тақсимланиш даражаларини Хи квадрат усулида аниқлаш*
4. *Селекцион жараёнда танлов ишларини олиб бориш учун белгилар критериясини тавсия этиш;*

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар. Ўрта толали ғўзанинг *Gossypium hirsutum L.* туркумига мансуб ғўзанинг миқдорий белгиларининг назарий ва амалий тақимланиш чегараларини статистиканинг замонвий усулларида бўлмиш Хи квадрат усулида аниқланди. Кўсак оғирлиги ва тола узунлиги бўйича амалий ва назарий тақимланиш чегаралари нормал тақсимланш қонунига мос келмасда тола индекси ва кўсакдаги чигит миқдори тақсимланиш қонуниятларига мос равишда амалга ошганлиги қайд этилди. Бу эса ўз навбатида селекция ишларини мақсади ва самарали олиб бориш имкониятини беради.

Бундай ҳолатда ғўза навларининг кўрсаткичлари кўпроқ ташқи муҳитга боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Биринчи марта вилоятимиз шароитида ғўза миқдорий белгиларининг назарий ва амалий тақсимланиш чегаралари аниқланди. Битирув малакавий ишда эришилган илмий натижалар қуйидагилардан иборат.

- *Кўсак оғирлиги назарий ва амалий тақсимланиш даражалари аниқланди.*
- *Чигит таркибидаги чигит сони ва унинг назарий ва амалий тақсимланиш даражалари ҳисобланди.*
- *Тола узунлиги ва тола индекси каби кўрсаткичларининг назарий ва амалий тақсимланиш чегаралари аниқланди.*
- *Селекцион жараёнда танлов ишларини олиб бориш учун белги индикатор тавсия этилди.*

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур битирув малакавий ишда олинган натижалар ғўза селекция учун танлов ишларини олиб мақсадли ва самарали олиб боришда муҳим аҳамиятга эга. Белгиларнинг тақсимланиш даражаларини аниқлаш уларнинг генетик жиҳатдан бир хил эканлигини аниқлаб беради. Бу селекция учун ҳам илмий ҳам амалий аҳамиятга эга.

Битирув малакавий ишдаги олинган натижалар шуни кўрсатдики, ғўзанинг миқдорий белгиларидан тола индекси ва кўсакдаги чигит миқдорининг вариацияланиши нормал тақимланиш қонуниятларига мос келиши аниқланган бўлсада кўсак оғирлиги ва тола узунлиги тақсимланиш қонуниятларига мос келмаслиги қайд этилди. Белгиларнинг ирсийланиш даражаларини билиш селекция жараёнда танлов ишларини олиб боришда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур битирув малакавий ишдаги олинган натижалар вилоятимиз шароитида селекция ишларини мақсадли олиб боришда, селекция жараёни режалаштиришда, ҳамда маълум бир ҳудуд иқлим шароити учун янги навларни танлашда амалий аҳамиятга эга.

Битирув малакавий ишнинг умумий тузилиши. Мазкур битирув малакавий иш таркибига қуйидаги қисмларни қамраб олган:

Кириш, адабиётлар таҳлили танланган объектлар ва тадқиқот материаллари, асосий қисм, хулоса ва адабиётлар рўйхати.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисми асосан мавзунинг долзарблиги, мақсад вазифалари, олинган илмий янгиликлар, эришилган натижалар ҳамда битирув малакавий

ишнинг амалий аҳамияти тўғрисида маълумотлар берилган. Битирув малакавий ишнинг адабиётлар таҳлили қисмида мавзуга тегишли бўлган 20 дан ортиқ илмий адабиёт ва мақолалар таҳлил қилинган.

Битирув малакавий ишда тажриба объект сифатида мамлакатимизда энг кўп экилаётган ғўзанинг **Gossypium hirsutum L** турига мансуб бўлган ғўза навлари ва улар иштиркида синтез қилинган дурагайлар олинди.

Малакавий ишнинг асосий қисмини олинган натижалар ташкил этди. Мазкур қисмда ғўза миқдорий белгиларининг назарий ва амалий тақсимланиш чегаралари аниқланди.

Хулоса қисмида битирув малакавий бажаришда олинган натижалар асосида керакли хулосалар чиқарилган ҳамда тавсиялар берилган.

Битирув малакавий ишни адабиётлар таҳлили қисмида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Мазкур битирув малакавий ишни бажаришда Гулистон давлат университетида (А. Эминов, Х. Қаришибоев, 2011) тайёрланган “Бакалаврият таълим йўналиши биритувчилари учун битирув малакавий ишларни тайёрлаш ва ҳимоя қилишга оид кўрсатма” дан фойдаланди.

2. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Организм белгиларининг насла берилиши ирсият қонунлари асосида амлға ошади. Белгиларнинг ирсийланиш даражаси ва типини аниқлаш миқдорий гентикасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Белгиларнинг ирсийланиш даражасини ва унинг ирсият қонунларига мос келиш ёки келмаслигини аниқлашда замонвий статистика усуллари ишлаб қилинган. Шундай усуллардан бири Хи квадрат усули ҳисобланади. Ушбу усул К.Пирсон томонидан ишлаб чиқилган усул бўлиб у ёрдамида белгиларнинг ирсийланиши ва унинг ирсият қонунларига мос келиши ёки келмаллиги таҳлил қилинади.

Шуни қайд этиш керакки, ирсият ва ўзгарувчанлик ўзаро боғланганг. Ўз навбатида белгиларнинг ўзгарувчан бўлиши табиий ҳолдир. **Ўзгарувчанлик** -бу маълум бир тур доирасига кирувчи организмларда содир бўлган фарқдир. Демак, ҳар бир организм ўзининг белги ва хусусиятларини авлоддан-авлодга тўлиқ ўтказади. Бу жараёнда ўзгарувчанлик ва ўзаро ҳамкорлик ҳар доим биргаликда содир бўлади.

Кейинги йилларда, организм белгилари ва уларнинг ўзгарувчанлиги ҳамда ушбу ўзгарувчанликнинг ҳамкорлик даражасига аҳамият берилмоқда. Бунинг учун биологик статистиканинг махсус усуллари тавсия этилди. Ушбу усулларнинг имкониятлари ҳаётимизга ахборот технологияларининг кириб келиши билан янада кенгайди. Шундай дастурларга SPSS – 14 дастури киради. Шишляникова Л.М маълумотлари бўйича мазкур дастурнинг имкониятлари жуда кенг бўлиб ундан барча соҳаларда фойдаланиш мумкин бўлади [24].

Ирсийланиш коэффиценти генотип ва муҳитнинг ўзаро таъсирини белгилаб беради. Кейинги йилларда генотип ва муҳитнинг ўзаро таъсир даражаларини аниқлашга катта аҳамият берилмоқда. Ирсийланиш коэффиценти қанчалик юқори бўлса белгининг генотипга боғлиқлик даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Бундай ҳолатда, белгининг шаклланиши кўпроқ ирсий омилларга боғлиқ бўлади. Белгининг ирсийланиши генотипга кўпроқ боғлиқ бўлса танлов ишларини олиб боришда тегишли ўзгартиришлар киритилади. Бундай ҳолатда, иккинчи авлоддан бошлаб танлов ишларини олиб бориш мумкин бўлади.

Ушбу усуллардан бири бу корреляция коэффиценти ёрдамида аниқланади. Ушбу усул корреляция коэффиценти 2га купайтириш билан аниқланади. Масалан, корреляция коэффиценти 0,35 га тенг деб олинган ҳолатда ирсийланиш коэффиценти 0,70 га тенг

булади. Бундан ташкари ирсийланиш коэффицентини аниқлашда дисперсион таҳлил натижаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Ушбу усуллардан дурагай авлодларни таҳлил қилиш ёрдамида ирсийланиш коэффицентини ҳисобланади. Чунки ушбу усул ёрдамида дурагай комбинацияларининг биринчи ва иккинчи авлодлари бир хил шароитда ўрганилади. Бу эса олинган натижаларни ишончли бўлишини таъминлайди.

Организм белгилари ва уларнинг ташқи муҳит ва генотипга боғлиқ ҳолда ўзгариши бўйича зиғир ўсимлигида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, генотипик корреляция энологик корреляцияга нисбатан кучли бўлиб бунда белгилар ўртасидаги боғланишлар даражаси юқори бўлар экан. Корреляцион боғланишлар даражасининг юқори бўлиши ўз навбатида ирсийланиш коэффицентининг ҳам юқори бўлишига олиб келади. Бундай ҳолатда белгиларнинг ўзгарувчан бўлиши генотип билан бошқарилиши аниқланган[18].

Ўзанинг асосий белгиларини ва уларнинг ирсийланишини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг кўпчилиги ирсийланиш коэффицентини яъни H^2 ни аниқлаш билан боғлиқдир.

Ўза навларида тола узунлиги унинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек и ўза навларини парвариш қилишдан асосий мақсад ўзадан сифатли тола олишдир. Ўз навбатида толанинг сифатли бўлиши унинг узунлиги билан узвий боғланган. Шу сабабдан, толани сотишда асосан унинг узунлиги ва рангига аҳамият берилади.

Шу билан бирга, ўза навларини таққослашда тола чиқиши ва ёки бўлмаса тола чиқими, чигит оғирлиги каби кўрсаткичларни ирсийланишини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки тола чиқиши ва тола узунлиги ўртасида тескари боғланиш мавжуд. Бундай ҳолатда узун толали навларда тола чиқиши кам бўлади ёки тескари ҳолатда яъни калта толали навларда тола чиқиши юқори бўлиши мумкин. Тола чиқиши тола миқдорини белгилловчи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Тола чиқишини ошириш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш имкониятини беради.

Ушбу юқорида номланган ўзанинг асосий иккита кўрсаткичлари ва уларнинг наслдан –наслга берилишини ўрганиш қизиқарли ва мақсадли ишдир. Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш селекция ишларини режалаштириш, мақсадли яқунланиши учун илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Энди тола чиқиши ва тола узунлиги ва улар билан боғлиқ бўлган белгиларнинг ирсийланишини аниқлаш бўйича олинган айрим натижаларни таҳлил қиламиз.

Тола узунлиги навларнинг биологик хусусияти ҳамда ташқи муҳитга боғлиқ бўлган ҳолда ўзгарувчан бўлиб, бита навада унинг ўзгарувчанлиги 2-3 мм ни ташкил этади[17,18]. Битта генотипда яъни тупда тола узунлигининг ўзгарувчан бўлишини қуйидагича изохлаш мумкин. Биринчи ҳосил шохларида жойлашган кўсақлардаги тола нисбатан узун бўлади. Юқорига борган сари тола узунлиги калта бўлади. Буни озик элементлари билан боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин. Чунки ўсимлик тепа қисмларида жойлашган кўсақларида озика элементларининг етишмаслиги ҳам кузатилади.

Ушбу маълумотлардан, тола узунлигининг генотипга ва ташқи муҳитга боғлиқ бўлган ҳолда ўзгарувчан бўлиши мумкинлигини куриш мумкин. Тола узунлигини ирсийлашиш нафакат турлар ўртасида балки турлараро чатиштиришда ҳам ўзгарувчан бўлади. Бундай ҳолатда биринчи буғинда асосан тўлиқ бўлмаган айрим ҳолларда эса гетерозис кузатилиши мумкин [18].

Гетерозис ҳолатининг қайд этилиши бу дурагайнинг ота онага нисбатан устунлик қилишига айтилади. Ушбу ҳолат асосан биринчи авлод дурагайларида қайд этилади.

Ўзбекистон ўза селекцияси ва уруғчилик илмий тадқиқот институти ходимлари тамонидан тола узунлиги, чиқиши ёки бўлмаса муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа

белгиларнинг ирсийланишини аниқлаш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу тадқиқот натижаларининг айримларига тухталиб ўтамиз.

Е.И Арютенова (1974)ғўзанинг 138 –ф ва С-5405 навлари ўртасида дурагайлаш ишларини олиб бориб янги 133 навини яратишга муяссар бўлди . Ушбу нав ота-онасига нисбатан тола узунлиги бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлади. Бундай ҳолатларда, тола узунлиги бўйича гетерозис ходисаси кайд этилганини куриш мумкин . Шуни кайд этиш кераки, 133 нави уша давр учун узун толали ғўза навларидан эканлиги кайд этилди. Бу эса селекция усуллари ёрдамида тола узунлигини яхшилаш мумкинлигини аниқлади ва исботланди.

Тола узунлиги бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган камбинацияларни танлаш учун ушбу кўрсаткични доминант ёки рецессив генлар билан бошқарилишини аниқлаш керак бўлади. Агар тола узунлиги доминант генлар билан бошқарилса, биринчи авлодни ўзидан узун толали дурагай комбинацияларни танлаб олиш мумкин бўлади. Чунки ирсият қонунаридан бўлмиш Г.Менделнинг биринчи қонунига асосан, биринчи авлод дурагайларида доминант белгилар устунлик қилади.

Рецессив ҳолда ирсийланиш хусусиятига эга бўлган белгиларни эса кейинги яъни иккинчи, учинчи ва тўртинчи авлодлардан излаш керак бўлади. Бундай ҳолатда селекция ишлари яъни танлов ишларини кейинги бўғинларда олиб боришга тўғри келади [56].

Тола чиқиши ва тола узунлиги нафақат ўзар тескари корреляцион боғланган ва улар ўз навбатида кучли вариацияланиши ҳам мумкин экан[14,11,2]. Бу эса уз навбатида толаси узун ва тола чиқиши юқори бўлган навларни яратиш кийинлигини кўрсатмоқда. Ушбу масаланинг ижобий ечими тола чиқиши ва унинг узунлиги бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган генотипларни танлаб олиш ва селекция ишларига жалб қилиш керак.

Тола узунлигини яхшилашда бошланғич материалларнинг алоҳида ўрни бор. Бу ўринда ингичка тола навларнинг ирсий имкониятларини диққатга сазовордир. Маълумки, ингичка толали ғўза навлари толасининг узунлиги 36-41 мм ни ташкил этади. Шу сабабдан, тола сифатини яхшилашда турлар ўртасидаги чагиштиришга катта аҳамият берилмоқда. Ғўзанинг *G. hirsutum* х *G. Barbadosense* турлари ўртасида ўтказилган чагиштиришларда биринчи бўғинда тола узунлиги бўйича доминантлик ҳолати кайд этилган [6].

Таланинг сифатли бўлиши нафақат унинг узунлигига балки майинлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки тола қанчалик узун бўлса у шунчалик майин бўлади. Толанинг сифат кўрсаткичларидан бири бу унинг майинлигидир. Ушбу кўрсаткич бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турлар ўртасидаги дурагайларди. Тола майинлиги бўйича кўп ҳолларда гетерозис кайд этилиши мумкин экан[18,21].

Шу сабабдан, тола сифатини яхшилашда турлар ўртасидаги чагиштириш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Чунки ушбу усул ёрдамида тола узунлигини яхшилаш имкониятлар катта бўлади.

Тола узунлиги, тола чиқиши ва маҳсулдорлик ғўза навларини асосий кўрсаткичларидан ҳисобланади. Юқорида кайд этиб ўтганимиздек, ғўзани парвариш қилишдан асосий мақсад сифатли тола олиш бўлса тола миқдорини ошириш эса тола чиқишига боғлиқ. Шу билан бирга, тола узунлиги ва тола чиқиши эса ўз навбатида ҳосилдорлик билан боғлиқдир.

Айрим адабиётларда, толанинг сифати ҳосилдорлик билан ижобий боғланган бўлса, аксарият ҳолатларда эса тола узунлиги ва ҳосилдорлик ўртасида тескари боғланиш мавжудлиги кайд этилган.

Илмий адабиётларда кайд этилишича, ҳосилдорлик энг мураккаб ва кучли ўзгарувчан белгилардан ҳисобланади. Унинг мураккаб белгилардан бўлиши кўп генлар билан бошқарилишидандир. Чунки ҳосилдорлик ҳосил элементларига яъни кўсак

оғирлиги, кўсак сони, ҳосил шохи ҳамда ташки омилларга боғлиқ бўлади. Шу сабабдан ҳосилдорлик мураккаб белгилардан ҳисобланади.

Ҳосилдорликнинг ирсийланиши турли хил бўлиб, чатиштириш учун танланган генотипларга боғлиқ бўлган ҳолда ўзгариши табиийдир. Кўп ҳолларда, ҳосилдорлик бўйича ирсийланиш коэффиценти 0,2-0,3 га тенг бўлади. Ушбу маълумотлар, ҳосилдорликнинг ирсийланиши кўпроқ ташки муҳитга боғлиқ экан.

Тола чиқиши ғўза навларининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Чунки тола микдорини купайтиришнинг асосий омилларидан бирибу тола чиқиши юқори бўлган навларни яратишдир. Одатда ўрта толали навларда тола чиқиши 36-37 % га тенг бўлса, ингичка толали навларда эса 32-33%ни ташкил этади. Ғўзанинг навлари ўртасидаги чатиштириш ишлари натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, (олиб борилган куп йиллик тадқиқотлардан) тола чиқиш бўйча оралик типдаги ирсийланиш қайт этилди[8]. Бундай ҳолатда айнан тола узунлигига ухшаш натижа қайд этилди. Оралик типдаги ирсийланиш бу белгининг кўпроқ гентипга ва ташуки муҳитга боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Тола чиқиши ўз навбатида тола индекси билан боғлиқ. Тола индекси чигит юзасида жойлашган тола зичлигини курсатади. Ушбу курсаткич бўйча биринчи авлод дурагайларида доминантлик ва гетерозис ҳолатлари қайд этилган[3,12,13,15,14].

Шуни қайд этиш керакки, генотипнинг биологик кўрсаткичларини ўзида мужассам этган кўрсаткичлардан ҳисобланади. Толанинг сифатли бўлиши биринчи навбатда чигитнинг оғирлиги билан узвий боғлиқдир. 1000 та чигит оғирлиги тола чиқишига ва унинг узинлигига таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади. Чигит оғирлигининг ирсийланишини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлардан 1000 та чигит оғирлиги бўйча бир –биридан фарқ қилувчи генотипларда оралик типдаги, фарқ қилган ҳолатларда эса гетерозис қайд этилади [18]

Ғўза навларининг асосий курсаткичларидан бири бу вегетация даврининг давомийлигидир. Вегетация даврининг толанинг сифатли бўлишига кучли таъсир этади. Одатда эртпишар навларда тола калта ва кеч пишар навларда эса узун бўлади. Ушбу курсаткич биринчи навбатда ҳосилдорликка тола чиқишига ҳамда тола узунлигига таъсир этади. Эрта ва кеч пишар навларни чатиштиришда биринчи авлодда эртапишарлик даминактлик қилади [17,18]

Эртапишарлик хусусиятининг доминантлик қилиши бу ўз навбатида толанинг калта бўлишини таъминлайди.

Бундан ташқари эртапишарлик ҳосилдорлик ва тола чиқиши ва унинг узунлиги билан боғлиқ бўлиб гентипларга боғлиқ бўлган ҳолда ўзгариши табиийдир.

Шуни қайд этиш лозимки Н.Г Симонгулян(1977) раҳбарлигида ғўза дурагайлари микдорий белгиларининг ирсийланишига доир куплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу тадқиқотларда ҳосилдорлик бўйича ирсийланиш коэффиценти 0,26 вегетация даврининг ирсийланиши 0,29 кўсадаги пахта оғирлиги -0,47 ,тола чиқиши -0,48 ,тола узунлиги -0,56, тола майинлиги 0,68, тола пишиқлиги -0,62 ва кўсаклар сони эса ирсийланиш коэффиценти 0,21 га тенг бўлади .

Ушбу маълумотлар микдорий белгиларининг ирсийланиши мураккаб бўлиб навларнинг биологик хусусиятларига ва ташки муҳитга боғлиқ бўлган ҳолда ўзгариши қайд этилган.

Шу билан бир қаторда тола узунлиги бошқа кўрсаткичлар билан узвий боғланган. Буларга ҳосилдорлик ва вегетация даврикаби кўрсаткичлар қирадим. Ушбу белгиларнинг кучли узгарувчан бўлиши улар билан танлов ишлари олиб боришда ирсийланиш коэффиценти аҳамият бериш кераклиги аниқланди

Тола чиқиши тола узунлиги ва унинг сифатини белгиловчи кўрсаткичлар билан танлов ишларини олиб боришда ирсийланиш коэффиценти аҳамият бериш керак .

Ушбу кўрсаткичлар билан ижобий боғланган яна бир кўрсаткич бу тола индексиدير. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун 100 чигит толаси билан ажратиб олинади ва унинг массаси аниқланади. Сунгра чигит толасидан тозаланади ва қайта торозида тортилади. Ушбу кўрсаткич яъни тола индекси чигитнинг юза қисмида жойлашган толанинг зичлигини белгилаб беради. Демак тола индекси канчалик юкори булса тола чикиши ҳам шунчалик юкори булиши табиийдир. Бундай ҳолатда толанинг сифат кўрсаткичларини аниқлашда тола индексини ҳисоблаш зарур бўлади.

Тола индекси бўйича олинган натижалар шуни кўрсатдики, ушбу кўрсаткич генотипларга боғлиқ бўлган ҳолда оралик ва доминант типдаги ирсийланиш қайд этилиши аниқланган[19].

Ушбу масалага мамлакатимизда олиб борилган тадқиқот ишларида катта аҳамият берилганлигини чоп этилган илмий ишлардан ҳам кўриш мумкин.. Ушбу тадқиқотларга қуйидагиларни: Г. С. Зайцев (1963) Симонгулян (1977-1983) Попова, Саид- Азизов (1971), Мансуров, Тўраев (1971), Арутюнова, Полатебнова (1973), Азизов (1980). Совлятов (1980), Мақсудов, Енголичев (1984), Ким (1987), Умаралиев (1990), Узоқов (1991), Кулиев(2001,2009), Ахмедов(2012) ва бошқаларнинг илмий ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу илмий тадқиқот ишлари ғўзанинг асосий белгилари ва уларнинг ирсийланиш даражаларини аниқлашга қаратилган.

Мазкур битирув ишида ғўза миқдорий белгилари ва уларнинг ирсийланиш даражаси ва уларнинг ирсият қонунларига мос келиш ёки келмаллигини аниқлашга боғишланган. Адабиётлардан олинган маълумотлардан шуни куриш мумкин ирсийланиш даражаси тадқиқот объекти иқлим шаротида боғлиқ бўлган ҳолда ўзгариши мумкин экан. Бундай тадқиқотлар мазкур ҳудуд учун биринчи марта ўтказилаётганлигини қайд этган ҳолда олинган натижалар вилоятимиз шароитида ғўза селекцияси ва уни ривожлантиришда аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

3.ТАНЛАНГАН ОБЪЕКТЛАР ВА ТАДҚИҚАТ МЕТОДЛАРИ

3.1. Тажриба жойи ва объекти

Мазкур битирув малаквий ишнинг бажаришда ўрта толали ғўзанинг **Gossypium hirsutum L**) микдорий белгилари кўсакдаги пахта оғирлиги, кўсакдаги чигит микдори, тола узунлиги ва тола индекси танланди.

Ќўзанинг микдорий белгилари Гулистон давлат университети ҳудудида жойлашган дала тажриба майдонида ўтказилган тажриба асосида аниқланди. Дала тажриба майдони ўрта даражада шўрланган ва оч тусли бўз тупроқдан ташкил топган. Ќўза 3,6 м 2 ли дала майдончаларида 4 қайтарикда экилиб, 4 та белгилари таҳлил қилинди. Ушбу белгилар куйида келтирилмоқда:

- 1.Битта кўсакдаги пахта оғирлиги,г
2. Битта кусакдаги чигит сони, г
- 3.Тола узунлиги, мм
- 4.Тола индекси

Тола узунлиги махсус тола узунлигини улчагич асбобидан фойдаланилди. Тола индекси 100 та толали чигитни чигити ва толаси ажратиб олинган сунг аниқланди.

Юқорида кўрсаткичган 4 микдрий белгилар бўйича ҳар биридан 160 маълумотлар олинди. Бирламчи маълумотлар вариацион қаторга тақсимланди. Бунда ҳар бир вариантнинг такрорланиши ҳисобланди. Вариацион қатор асосида дастлабки статистик кўрсаткичлар жумладан ўртача кўрсаткич ва унинг хаталиги, минимум ва максимуми ҳамда стандар оғиш ва дисперсияси ҳисобланди. Кейинги этапда вариантларнинг амалий ва назарий тақсимланиши махсус формула ёрдамида ҳисобланди

Статистик ҳисоблаш ишлари махсус дастур SPSS-14 ёрдамида ҳисобланди. Белгиларнинг ирсийланиш даражасини аниқлашда К.Пирсон формуласидан фойдаланилди:

$$\chi^2 = \sum \frac{(O - E)^2}{E} \text{ бу ерда } O - \text{амалий кўрсаткичлар; } E - \text{назарий кўрсаткичлар.}$$

Ирсийланишнинг ирсият қонунларига мос келиш ёки келмаслигини таҳлил қилиш учун Хи квадратнинг назарий ва амлий кўрсаткичларини ўзаор таққослаш билан аниқланди. Агар Хи квадратининг амалий кўрсаткич унинг назарий кўрсаткичидан кичик бўлса ирсийланиш ирсият қонунига мос келади. Агар унинг акмалий кўрсаткични назарий кўрсаткичдан катта бўлса ирсийланиш Мендель қонунига мос келмайди.

Экиш муддати апрел ойининг 16 кунлари амалга оширилди. Қатор орасига ишлав бериш, бегона ўтлардан тозалаш ва минерал ўғит бериш қўлда бажарилди. Барча фенологик кузатувлар ва ҳисоблаш ишларини бажариш учун Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти томонидан чиқарилган методик қўлланмадан фойдаланилди(Тошкент, 2007).

3.2.Сирдарё вилоятининг табиий иқлим шароити.

Сирдарё вилояти ҳудуди Мирзачўл ваҳасининг асосий қисмини ташкил этган ҳолда йирик тоғолди текислигини эгаллайди, у шимол, шимоли-ғарбга томон қияликка эга бўлиб, жанубдан Туркистон тоғ тизмалари ва шимолдан Сирдарё дарёси, ғарбдан Қизилқум чўли билан чегараланган.

Сирдарё вилоятининг ҳудуди Турон тупроқ иқлимий зонасида жойлашган ва тупроқ қопламаларининг хилм-хиллиги билан фарқ қилади. Сирдарё вилояти бўз тупроқлар зонасида жойлашиб, чўлдан, тоғ баландлик минтақаларигача ҳудуди тарқалган. Бўз тупроқлар Туркистон, Молғузор тизмаларининг 1300-1400 м баландликларига, жигарранг тупроқларигача тарқалган.

Сирдарё вилояти ҳудудининг ёзи иссиқ ва қуруқ, киши мўътадил, шунингдек, хароратнинг ўртача йиллик ҳаво харорати +12-14,9 хароратнинг энг юқори кўрсаткичи

июн-июл ойларида бўлиб, у 25,4-29,5. энг совуқ кўрсаткич январ ойларида бўлиб 1,8-0,1 градусни ташкил этади. Совуқсиз кунларни давомийлиги 200-236 кундир.

Сирдарё вилояти кучли шамол ҳаракатлари кесишган зонада жойлашган бўлиб, худудга шимолий ва шарқий(Бекобод шамоли) шамоллар таъсири кучли. Шамолни тезлиги секундига 3.2 м га тенг.

Мирзачўл денгиз сатҳидан ўртача баландлиги 250-300 м га тенг. Нисбий ҳаво намлиги 31-48% ни ташкил этади.

Вилоятнинг бўз тупроқлар зонаси, асосан текисликлардан иборат бўлиб, бу ерда гидроморф ва ярим намчил(полугидроморф) тупроқлар кенг тарқалган. Бўз тупроқлар ўз навбатида тўқ тусли, типик ва оч тусли бўз тупроқ типчаларига бўлинади.

Сирдарё вилоятини умумий майдони 427618 га ни ташкил этиб ушбу майдоннинг 54,3 фоизини бўз ўтлоқи, 22,3 % ни ўтлоқи, 10,5 % ни ўтлоқи тупроқлар ташкил этади. Ушбу маълумотлардан бўз ўтлоқи тупроқлар вилоят ер захирасининг янги яхшиси бўлиб унинг асосий қисмини суғорма деҳқончиликка жалб этилган.

Маълумки, бўз тупроқлар ўзининг табиий унумдорлигини пастлиги билан фарқ қилади. Илмий адабиётларда қайд этилишича бўз тупроқлар таркибидаги чиринди микдори ўзгарувчан бўлиб 0,7-1,0 % айрим ҳолларда 1,2-1,3 % ни ташкил этиши мумкин. Ҳаракатчан фосфор микдори 20- 42 мг/кг, калий эса 175- 300 мг/кг ни ташкил этади.

Сирдарё вилояти тупроқларининг ўзига хос томонларидан бири унинг шўрланганлигидир. Вилоят бўйича ювилган ва кучли шўрланган ерлар 59,9%ни ўрта шўрланган ерлар 20,6% ни кучли ва жуда кучли шўрланган ерлар эса 5,6 % ни ташкил этади. Кучли шўрланган ерлар асосан Сардова, Меҳнатобод, Мирзаобод ва Ховос туманларида катта майдонларни ташкил этади.

Сирдарё вилоятининг худуди турли табиий географик ва тупроқ иқлимий шароитлар мавжудлиги сабабли уларнинг ўсимликлар коплами ҳам хилма-хилдир. Сирдарёнинг тўқай-қайр қисмлари ажрик, қизил қиёқ, ширинмия, қамиш, ботқоқ ўсимликлари, бутасимонлардан, ёввойи жийда, сувтол, туронғил, жингил каби ўсимликлар кенг тарқалган. Сирдарё вилоятининг текислигининг асосий ўсимликлари чўл ўсимликлари ҳисобланади. Буларга янтоқ, шувоқ, қамиш, ажрик, бурган, қизилмиш, юлғун, ковул ва эфемер ўсимликлар киради.

А.Ж.Исмонов ва В.Е.Сектименко(2005) ларнинг маълумоти бўйича суғориладиган тупроқларни гидрогеологик шароитлари ўзгарганда курғоқчил (автоморф) тупроқларни ярим намчил(полугидроморф) ва намчил (гидроморф) тупроқларга ўтиши бошланади. Бу вақтда тупроқда жуда катта миқёсда унинг ташқи белгилари ўзгаради, шунингдек, кимёвий элементлар ҳаракати жараёни фаоллашади, улар ичида тупроқ ва тупроқ ости қатламлари , ер ости сувларини шўрлантирувчи тузларни салбий фаоллиги юқори бўлади. Бу эса ўз навбатида тупроқ унумдорлигини пасайтиришга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари Сирдарё ва Жиззах вилоятлари худудларни тупроқларда, чўлланиш жараёни ҳам аниқланган.

3.3.Тажриба майдони тупроғининг кимёвий хоссалари

Экспериментал дала тажриба майдони Гулистон давлат университети худудида жойлашган бўлиб ўтлоқи бўз тупроқлар турига киради. Ушбу тажриба майдони 2005 йилда ташкил этилган бўлиб ҳозирги кунгача ўсимликларни шўрга чидамлигини аниқлаш мақсадида фойдаланиб келинмоқда.

Тажриба майдони асосий озиқ элементларидан бўлмиш азот, фосфор ва калий билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотлар жадвалда келтирилмоқда(1-расм). Гумус микдори ҳайдалма қатламда(0-15 см) 0,78-0,80 % ни ташкил этиб ушбу кўрсаткич бўйича тупроқ гумус бўйича кам таъминланган деб ҳисоблаш мумкин. Пастки қатламга ўтиши билан гумус микдори ҳам тегишли равишда камайиб борди. 15- 50 см қатламда

гумус миқдори 0,61% ни тенг бўлган бўлса, 50-100 % да эса 0,26% га тенг бўлди. Азот миқдори юқори(0-15 см) қатламда 0,054 % га тенг бўлган бўлса 15-50 см да эса 0,036%, 50-100 см да эса 0,026 % ташкил этади. Шунини қайд этиш керакки азот ва фосфор билан таъминланганлиги бўйича тупроқ кам таъминланган бўлиб юқори ҳосил олиш учун қўшимча минерал ўғит бериш керак бўлади(2-жадвал)

2-жадвал. Тупроқ таркибидаги азот, фосфор ва калий миқдори.

Намуна олинган горизонт, см	Азот, фосфор ва калий миқдори			
	Тупроқ таркибидаги гумус, %	N	P	K
см	%	%	мг/100 гр. или мг/кг	мг/100 гр. или мг/кг
0-15	0,8	0,054	18,4	147
15-50	0,61	0,036	16	142
50-100	0,26	0,029	2,7	116
0-15	0,78	0,050	18,6	149
15-50	0,63	0,038	16,9	143
50-100	0,28	0,026	2,9	118
0-15	0,79	0,052	18,2	146
15-50	0,62	0,040	16,2	145
50-100	0,27	0,027	3,0	117

Тупроқ таркибидаги тузлар ва уларнинг миқдори унинг шўрланиш даражаси ва типини белгилаб беради. Тупроқ таркибидаги тузлар ва уларнинг миқдорини аниқлаш натижалари 2- жадвалда келтирилмоқда. Жадвалдаги маълумотлардан тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги катионлар миқдори турлича бўлди. Мисол. 0-15 см қатламда натрий катионнинг миқдори 0,434 мг.экв/100 гр тенг бўлган бўлса 15-50 см ли қатламда эса 0,079, 50-100 см ли қатламда эса 0,913 га тенг бўлди. Демак, пастки қатламда катион миқдори кўп бўлар экан. Айнан шундай натижалар кальций, магний каби катионларда ва карбонат ҳамда сульфат ионларида ҳам қайд этилди. Бундай натижанинг қайд этилиши табиийдир. Чунки сувда эрувчи тузлар суғорилган вақтда тупроқнинг пастки қатламида тўпланади. Буғланиш натижасида тупроқнинг юза қатламига ҳарактланади.

Тупроқ таркибининг кимёвий таҳлил натижалари шунини кўрсатдики, (Егоров, Минашина, 1976) ларнинг классификациясига боғлиқ бўлган ҳолда тажриба майдони тупроғи кучли шўрланган. Буни хлор ионининг миқдори бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Тажриба майдонида хлорнинг ўртача (0-100 см) 0,305 га тенг бўлди. Бу эса мазкур тупроқ кучли шўрланган шўрланган тупроқларга киришига асос бўлади(3-жадвал).

Маълумки, тупроқ шўрланиш даражаси тупроқларга таъриф беришда ва уларни унумдорлигини аниқлашда ва шўрга чидамли ўсимликларни танлашда муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Тупроқ шўрланиш даражаси ўз навбатида шўрланиш типига ҳам боғлиқ. Тупроқ шўрланиш типи отатда хлор ва сульфат ионларининг нисбатига қараб олинади. Мамлакатимизнинг суғориладиган тупроқларига тадбиқан шўрланиш типи хлор ва сульфат ионларнинг нисбати бўйича аниқланади. Н.И. Базилевич, Е.И. Панков, 1972 маълумотлари бўйича шўрланиш куйидаги типларга:

хлоридли типи $CL:SO_4 > 2.5$;

Сульфат хлоридли типи $CL:SO_4 = 2.5-1.0$;

Хлорид-сульфатли типи $CL:SO_4 = 2.5-1.0$;

Сульфатли типи $CL:SO_4 = 1.0-0.3$;

Сульфат $CL:SO_4 = < 0.3$

Катионлар нисбатим бўйича шўрланган тупроқларни тўрта группага ажратилади:

Натрийли $-Na:Mg > 2$

Магний-натрий $Na:Mg = 2-1$;

Натрий-магнийли $Na:Mg = 1-0.5$

Магнийли $Na:Mg = < 0.5$.

Тажриба майдонида хлорнинг сульфат ионига нисбати $0.305 / 13.460 = 0.02$ га тенг бўлди. Бундай ҳолатда тажриба майдони тупроғининг шўрланиш типи сульфатли деб аташга асос бўлади. Чунки хлорнинг сульфатга нисбати $0,02$ бўлиб классификацияга нисбатан $0,3$ дан кичик бўлди. Катионлар нисбати яъни магний катионининг натрийга нисбати $0,07$ га тенг бўлди. Ушбу маълумотдан катионлар нисбати бўйича тажриба майдони натрий -магнийли бўлди.

3-жадвал. Тупроқ таркибидаги сувда эрувчан тузлар миқдори

